

А Ж Р И М

2022 йил 27 декабрь куни жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Б.Эргашев, судья ёрдамчиси М.Исмоналиевнинг котиблигида, тарафлардан туман прокурори катта ёрдамчиси Р.Умаров, жабрланувчининг қонуний вакили З.Ўзбеков, гумон қилинувчи Х.Нишонбоев ва унинг ҳимоячи З.Матмусаеваларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи

Нишонбоев Хусанбой Мирзаакбар ўғли, 1999 йил 21 октябрда Олтиариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, уйланмаган, судланмаган, ишламайди, Олтиариқ тумани, “Қизилтепа” МФЙ, Наврўз кўчаси, 48-уйда яшовчига оид 1-1514-2201/545-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, жабрланувчининг қонуний вакилининг ярашиш тўғрисидаги аризасини иш материаллари билан кўриб чиқиб, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувлари ва тарафларнинг фикрларини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлаки тергов органи томонидан тақдим қилинган жиноят иши ҳужжатларига кўра, гумон қилинувчи Х.Нишонбоев 2022 йил 21 октябр куни соат 18 ларда бошқарувидаги “Нексия-2” русумли, 40 J 960 МА давлат рақамли автомашинасини “Риштон-Олтиариқ-Марғилон” автомобиль йўлида Марғилон томонга ҳаракатланиб кетаётиб, йўлнинг Олтиариқ тумани, “Жўрак” МФЙ, Жўрак кўчаси, 63-уй рўпарасига етиб келган вақтида амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банди “Г” кичик бандидаги ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айникса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши кераклиги, 77-бандидаги ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши, тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги ҳақидаги қоидаларини қўпол равишда бузиб, йўлни ўнг томонидан чап томонига кесиб ўтаётган пиёдачи вояга етмаган Ё.Зокиржоновни уриб юбориб, унга ўртача оғир шикаст етказилишига сабабчи бўлган.



Суд-тиббий экспертизасининг 2022 йил 28 октябрдаги 7182-сонли хулосасига кўра, вояга етмаган Ё.Зокиржоновда танани кўш шикасти, бош мия чайқалиши, чап ўмров суягини ёпиқ синиши, бурун соҳасида лат еган яра, бурун, юқори лаб ва чап тизза бўғимида шилинмалар, юқори лаб шиллик каватида қон қуйилиши, ўнг тизза бўғими, ўнг болдир ва чап ёнбош соҳасида конталашлар бўлиб, ушбу тан жароҳатлари ўртача оғир шикастлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Гумон қилинувчи Х.Нишонбоев судда, 2022 йил 21 октябрь куни соат 18 ларда бошқарувидаги “Нексия-2” русумли автомашинасини “Риштон-Олтиариқ-Марғилон” автомобиль йўлида Марғилон томонга ҳаракатланиб кетаётиб, йўлнинг Олтиариқ тумани, “Жўрак” МФЙ, Жўрак кўчаси, 63-уй рўпарасига етиб келган вақтида йўлни ўнг томонидан чап томонига кесиб ўтаётган пиёдачи вояга етмаган Ё.Зокиржоновни уриб юбориб, унга ўртача оғир шикаст етказилишига сабабчи бўлгани, ҳозирда ўз айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, вояга етмаган Ё.Зокиржоновга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, у ва унинг қонуний вакили билан ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, ишни ярашув асосида тугатишни сўраб ариза тақдим қилди.

Жабрланувчининг қонуний вакили З.Ўзбеков судда, 2022 йил 21 октябрь куни соат 18 ларда Олтиариқ тумани, “Жўрак” МФЙ, Жўрак кўчасида Х.Нишонбоев бошқарувидаги “Нексия-2” русумли автомашинасида йўлни кесиб ўтаётган вояга етмаган набираси Ё.Зокиржоновни уриб юбориб, унга ўртача оғир шикаст етказилишига сабабчи бўлгани, ҳозирда Х.Нишонбоев уларга етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашув аризасини ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунгани, Х.Нишонбоев билан ихтиёрий ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, ишни ярашув асосида тугатишни сўраб ариза тақдим қилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида, ушбу кодексининг 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги;

ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида, жабрланувчи ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, гумон қилинувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд, гумон қилинувчи Х.Нишонбоевнинг ўз айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, жабрланувчининг қонуний вакилини унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашиш тўғрисидаги ариза ихтиёрий равишда берилгани, тарафларни ярашувга розилиklarини инобатга олиб, уни ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жинойий жавобгарликдан озод этиб, жиноят ишини



ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми, 582-583, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Нишонбоев Хусанбой Мирзаакбар ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод этилсин ва жиноят иши иш юритишдан тугатилсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига хусусий шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

/имзо/

Б.Эргашев

Ажрим нусхаси аслига тўғри,
туман судининг раиси

Б.Эргашев

Маъсул судья: Эргашев Беҳзод Хурсанович

